

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ФАКУЛТЕТИ

5610100-Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши

**«Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари»
кафедраси**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: МАШИНА -ТРАКТОР ПАРКЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШДАГИ МУАММОЛАРНИ
ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ**

(Тошкент вилояти Паркент тумани “Гулбоғ” МТП мисолида)

Бажарди:

4 босқич 36 гуруҳ талабаси

О.Юсупов

Илмий раҳбар: доцент

С.Тошпўлатов

Такризчи:

Битирув малакавий иши
кафедрада муҳокама қилинди
ва ҳимояга тавсия этилди
кафедра мудири, _____
профессор А.Абдурахимов
«__»_____ 2010 йил

Фермер хўжалигини бошқариш
факултети декани, доцент
_____ А.Абдувасиков
«__»_____ 2010 йил

Тошкент - 2010

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Фермер хўжалигини бошқариш _____ факултети
Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари _____ кафедраси
Йўналиш: _____ Фермер хўжалигини бошқариш _____

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Факултет декани _____

“ _____ ” _____ 2010 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____ Юсупов Отабек _____
(ф.и.ш.)

1. Ишнинг мавзуси Машина -трактор паркларидан самарали фойдаланиш-
даги муаммоларни ечиш йўллари

Ректорнинг “ _____ ” _____ 2010 йил _____ -сонли буйруғи билан тасдиқланган

2. Ишни топшириш муддати _____ 25 май 2010 йил _____

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати: Хусанов Р.М. ва бошқалар «Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари», Саматов Ғ.А., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. Дысмуратов Р Бухгалтерия ҳисоби назарияси, А.Каримов, Ф.Исмоилов, А.Авлокулов Бухгалтерия ҳисоби, А.В.Вахобов ва бошқалар Иқтисодий таҳлил назарияси, Санаев ва бошқалар. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари

4. Ишнинг мақсади ва ҳал қилинадиган масалалар: Фермер хўжаликларида машина - трактор паркларидан самарали фойдаланишдаги муаммоларни қўйишни ўрганишдан иборатдир. Вазифаси- машина -трактор паркларидан фойдаланиш муаммоларни ечиш йўллари кўрсатиб беришдан иборат.

5. График қисми материаллари рўйхати: Битирув ишида асосий воситаларнинг ҳажми ва таркиби ўзгаришининг таҳлили, машина-трактор паркида тракторлар сони ўзгариши таҳлили, машина-трактор париди ходимлар сони ўзгаришининг таҳлили каби жадваллар ва уларга мос график гистограммалар келтирилган.

6. Маслаҳатчилар:

Бўлимлар	Маслаҳатчининг Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топшириқ берди	Топшириқ қабул қилинди

7. Ишни бажариш режаси

[illegible]

Битирув иши раҳбари _____

Кафедра мудири _____

Топшириқни бажаришга олдим _____

“ ” 2010 йил

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	-
I. АДАБИЁТЛАР ШАРҶИ	-
II. МАШИНА ТРАКТОР ПАРКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ	-
2.1 Фермер хўжалигида машина трактор парклари хизматини ривожлантириш муаммолари	-
2.2 - Машина трактор паркларидан фойдаланиш муаммолари	-
2.3 Машина трактор паркларининг ҳозирги ҳолати ва унинг фаолиятга таъсири	-
III. МАШИНА ТРАКТОР ПАРКИДА БАЖАРИЛГАН ИШ ВА ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҶЛИЛИ	-
3.1 Машина трактор паркларида ҳаражатлар динамикасини таълили	-
3.2 Машина трактор паркида бажарилган иш ва хизматлар самарадорлигини таълили	-
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	-
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ	-

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2009 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ” деб аталиши муносабати билан қишлоқларни, жумладан чекка ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш юзасидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик қишлоқ фермерлари ишларига ҳам катта самара бермоқда.

Юртбошимиз раҳномолигида амалга оширилаётган қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш, фермер хўжаликларига замонавий сервис хизматларини шакллантириш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Республикамизда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш юзасидан давлатимиз раҳбари бошчилигида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Бу дастур республиканинг барча меҳнаткашлари, шу жумладан фермерлар учун асосий дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида қишлоқ хўжалигида ислохотлар босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Республика Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармонида асосан қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш, мулкчиликнинг ижара шакли ва шартномавий муносабатларга асосланган ҳолда амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қилиш устиворлиги, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотларининг фаолияти ушбу мақсадга бўйсундирилиши, хўжалик юритишнинг ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари шакллари сақланиб қолиб, истиқболда фермер хўжаликларини ривожлантириш энг муҳим устивор эканлиги белгилаб қўйилди.

Фармон талабларидан келиб чиқиб “Ер кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун ва “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорларига асосан 2004-2006 йилларда республика бўйича 1020 та паст рентабелли, зарар кўриб фаолият кўрсатаётган, истикболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш дастури, шу даврда тегишли муқобил машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, ёқилғи мойлаш материаллари, минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиш шаҳобчалари, минибанклар ва бошқа хизмат кўрсатувчи объектларни ҳар бир вилоят бўйича ташкил этиш дастури ва бошқа бир қанча меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди.

Фермер хўжаликларида кўп меҳнат қиладиган жараёнларни механизациялаштирмай туриб юқори самарадорликка эришиб бўлмайди. Республикамиз қишлоқ хўжалигини замонавий, юфори самарали қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш мақсадида бу соҳанинг моддий техника базасини янада тўлдириш ва янгилаш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Янгидан ташкил этилаётган муқобил машина-трактор паркларини замонавий техника воситалари-трактор, комбайнлар, агрегатлар, тиркамалар, ҳашаротларга қарши кураш воситалари, сеялкалар, культиваторлар, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш зарур. Бугунги кунда мамлакатимизда фермерларга хизмат кўрсатувчи муқобил машина-трактор парклари ташкил этишни давом эттириш чора-тадбирлари кўриляпти. Бизга маълумки, бу машина-трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналарига агротехник хизмат кўрсатишни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарасини ва унумдорлигини максимал даражада ошириш мақсадида ташкил этилган.

Бугунги кунга келиб машина трактор паркларида ҳайдов тракторлари, дон ва шоли ўриш комбайнлари, шунингдек турли техника воситалари жамланган бўлишига қарамасдан, ҳозиргача бу парklar қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда самарадорликни оширишга сезиларли таъсир кўрсатадиган

кудратли кучга айланганича йўқ. Шунинг учун ҳам машина-трактор парклари тизимларининг фаолиятини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Шуни ҳам алоҳида эътироф этиш жоизки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархи харажатлари таркибида ёқилғи ва машина-трактор парклар хизматлари харажатлари салмоқли ўрин эгаллаганидан келиб чиқиб, машина-трактор паркларидан муқобил фойдаланишни тақозо этади. Демак, машина-трактор паркларни замонавий ва юксак унумли техникалар билан таъминласак, фермер хўжалигида самарадорлик ўта юкори бўлади.

Бундан ташқари Республикамизда қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий техника билан таъминлаш ва қишлоқ хўжалик механизациясини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда машина-трактор парклари фермер хўжаликларига техник хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғилланиб келмоқдалар. Бу фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи машина-трактор паркларининг шартномаларини ўз вақтида бажармаслик ҳоллари кўплаб учрамоқда. Бугунги кунга келиб фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш мақсадида тугатилган ширкат хўжаликлари ҳудудида ташкил этилган консалтинг хизмат марказлари, мини банклар, муқобил машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, ёқилғи мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотиш шаҳобчалари каби бозор инфратузилма объектлари кўплаб жойларда ташкил қилинмоқда.

Шу нуқтаи назардан биз тадқиқ қилаётган Тошкент вилояти Паркент туманидаги “Гулбоғ” МЧЖ машина трактор парки мисолида машинат-трактор паркларидан муқобил фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили мавзусидаги малакавий битирув иши ғоят долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Белгиланган мавзунни ёритиш учун мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича Президентимиз Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари , шу мавзу

бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар асосида, ҳамда машина трактор паркининг йиллик ҳисоботларидан, шунингдек парк ҳақидаги маълумотларнинг таҳлил натижаларидан фойдаландик.

I. Адабиётлар шархи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов февраль оyi 2010 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги мажлисида сўзлаган нутқида мамлакатимизда 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, истиқболларива муаммолари ҳамда 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳақида сўзлади ва бир қатор таклифлар берди. Унга кўра иқтисодиётни ривожлантиришда чет эл инвестицияларини жалб этиш учун инвестиция муҳитини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш устувор йўналиш қилиб белгиланди. Жумладан, қилоқ хўжалигида фермерлар томонидан ҳозирги босқичда ўзи ишлаб чиқарадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, энг аввало, чорвачилик, деҳқончилик, мевачилик ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ихтиёрийлик асосида кооперациянинг турли шакллари яратишга қаратилган таъсирчан механизм ишлаб чиқариши муҳим аҳамиятга эгаллигини уқтириб утдилар. Бундан яқин келажакда фермерларнинг ихтиёрийлик асосида турли кооперацияларни вужудга келиши уларни яна иқтисодий ривожланишнинг асоси эканлигини кўрсатиб беради.

И.А.Каримовнинг “Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли ” асарида давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги устивор тамойиллар, хавфсизлик ва тинчликни сақлаш, демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўлида дадил олға бориш, ислохотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар теран таҳлил этилган.

А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниевларнинг “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” китобидаги ўз изланишларида қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини шакллантиришнинг назарий, услуби ҳамда амалий асосларини таҳлил этганлар. Тармоқда амалга оширилаётган ташкилий ва иқтисодий ислохотларнинг мазмун ва моҳияти Республикамиз Президенти

асарларига ва амалиётдаги меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда таҳлил этганлар. Қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, корхонлар ва тармоқларнинг ривожланиши, иқтисодий самарадорлиги, қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этилиши ва уларнинг самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлил этилиб, келажакда уларнинг самарадорлиги юксалишини таъминловчи омиллар кўрсатиб ўтилган.

“Аграр соҳада ислоҳотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари ”да мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар боришига тўсқинлик қилаётган масалалар, уларнинг олдини олиш, муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари туғрисида қимматли фикрлар билдирилган. Тўпламда ҳозирги шароитда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича керакли тавсифлар берилган. Мақолалар, статистик маълумотлар ва далилларга асосланиб, муаллифларнинг таҳлили, қарашлари асосида батафсил ёритилган, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида таклифлар киритилган. Тўпламнинг яна бир ютуғи шундаки, мақола муаллифлари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаолият кўрсатаётган кишилар ҳисобланади. Бу эса фикрлар турличалиги ва масалага ҳамма томондан ёндашиш имкониятини юзага келтирган, хулосалар аниқ баён қилинган.

М. Пардаевнинг “Иқтисодий таҳлил назарияси” дарслиги хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш назарияси, усулари ва методик услубиятлари, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш йўллари ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш усулларини ўргатади. Хўжалик субъекиларининг молиявий фаолиятини таҳлил қилишнинг методик асослари, корхоналарни бошқаришда бошқариш таҳлили маълумотларига кўпроқ таянган ҳолда фаолият юритиш мақсадга мувофиқ бўлишига ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, молиявий кўрсаткичларни яхшилаш йўллари кўрсатиб беришнинг услубияти амалий маълумотлар асосида таҳлил қилиб чиқилган ва уларнинг мазмуни кўрсатиб берилган.

Ушбу бажарилган малакавий битирув иши мавзуси бўйича “Иқтисодий молиявий таҳлил”, “Иқтисодий таҳлил” дарсликларида тегишли қонунлар, Низом, кўрсатмалар, халқаро ва миллий стандартга асосланган субъектларнинг хўжалик ва молиявий фаолиятини иқтисодий ва молиявий таҳлил қилиш усуллари мисоллар билан ёритилган. Дарсликда иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос томонлари очиқ берилган. Мазкур қўлланма тадбиркор ва хўжалик юритувчи субъектлар, корхона раҳбарлари, мулк эгалари, солиқ, молия, банк, суғурта компаниялари, аудиторлик фирмалари ходимлари, шунингдек, корхона фаолияти билан бевосита қизиқувчиларга мўлжалланган.

“Қишлоқ хўжалик корхоналарини фаолиятини таҳлил қилиш” ўқув қўлланмасида иқтисодий таҳлил фани олдида қўйган янги талабларни ўз ичига олган. Таҳлилнинг назарий асослари унинг бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришини такомиллаштириш йўлидаги аҳамияти тўғрисида сўз юритилган.

Шунингдек, “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқаришни анализ қилиш” дарсликнинг асосий вазифаси эса қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш усулларини ўргатиш ҳамда шу асосда ишлаб чиқаришдаги ички имкониятларини хўжаликни янада ривожлантиришга сафарбар қилишдан иборатдир.

“Қишлоқ хўжалик статистикаси ” ўқув қўлланмасида қишлоқ хўжалиги корхоналарида иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари келтирилган. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида иқтисодий жараёнларни статистик усулларини қўллаб иқтисодий таҳлил этиш: меҳнат унумдорлиги, маҳсулотларнинг таннархи, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори, маҳсулотлар сотишдан олинган даромадларни таҳлил этишни аниқ мисолларда кўрсатган.

Тадқиқот изланишлари бўйича ўрганишда яна бир адабиётдан кенгрок фойдаланилди. Ушбу адабиёт А.В.Ваҳобов, А.Т.Иброҳимов ва А.Ф.Ишонқуловлар муаллифидаги “Молиявий ва бошқарув таҳлили” дарслигидир.

Мазкур дарслик бугунги бозор иқтисодиёти шароитидаги талаблардан келиб чиқиб тайёрланган. Ҳозирги кунда “Таълим тўғрисида” ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури асосида олий таълим соҳасида кенг ислохотлар амалга оширилмоқда, жумладан, янги, замонавий дарсликларни яратиш, ўқув жараёнларида янги педагогик технологияларни услубларни қўллаш айниқса, талабаларни мустақил ўз устида иш олиб бориши учун мустақил фикрлашга ўргатилган адабиётлар яратиш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Мазкур дарсликда, хўжалик субъектларининг молиявий фаолиятини таҳлил қилишнинг методик асослари, корхоналарни бошқаришда бошқарув таҳлили маълумотларига кўпроқ таянган ҳолда фаолият юритиш мақсадга мувофиқ бўлишлиги ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, молиявий кўрсаткичларни яхшилаш йўллари кўрсатиб беришнинг услубияти амалий маълумотлар асосида таҳлил қилиб чиқилган ва уларнинг мазмуни кўрсатиб берилган. Айниқса, айланма капитал таҳлили билан боғлиқ мавзулар чуқур ва батафсил баён қилинган.

Р.Хусановнинг “Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати, муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари” китобида фермер хўжаликларида сервис хизматини машина-трактор паркларида кўрсатиш, машина-трактор паркларини ривожлантиришнинг муаммолари, муқобил машина-трактор паркларидан фермер хўжалиги ишлаб чиқаришида самарали фойдаланиш масалалари ёритилган.

Ю.Олхояннинг “Моделирование оптимального состава и использования машина-тракторного парка на сельскохозяйственном предприятии” китобида ҳозирги фермер хўжаликларида машина-трактор паркларидан самарали фойдаланишни мақбуллаштирган масалалари кенг ёритиб берилган. Шунингдек, бу китобда ҳозирги вақтда муқобил машина-трактор паркларини ташкил этиш муаммоларини самарали ҳал қилиш масалалари ҳам ҳар томонлаа кўрсатиб ўтилган.

II. МАШИНА- ТРАКТОР ПАРКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

2.1. Фермер хўжалигида машина трактор парклари хизматини ривожлантириш муаммолари


Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни олиб борилиши қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантирилишига яъни мустақил фаолият кўрсатувчи кичик хўжалик субъектлари сонини ортишига олиб келади. Бу эса техника хизматида бўлган талабни тўлароқ кондирити мақсадида техника воситаларидан фойдаланиш ва техник сервис хизматини ташкил этишнинг энг мақбул йўллари топиш зарурятини туғдиради. Бундай йўللardan бири муқобил МТПлар тузишдан иборат.

Хар қандай янги тузилаётган муқобил МТП ўз фаолиятини маркетинг хизматидан бошлаши зарур, чунки МТП тузишдан аввал кимга хизмат кўрсатиши, хизматга бўлган талабни, хизмат турларини аниқ белгилаб олиши ҳамда шу хизмат турларини миқдорини бажариш учун қандай турдаги техника воситалари ва қанча керакли эканлиги аниқ бўлиши керак, молия-хисоб хизмати, маркетинг хизмати, тўплаган барча талаблар ва шу талабларни бажариш учун керак бўладиган техника воситаларни баҳосини ҳисоблаб чиқишлари зарур.

Шунингдек, молия-хисоб хизмати банкида ўз ҳисоб рақамини очиши, истеъмолчиларни тўлов қобилиятларини ўрганиши ва МТП дастлабки фаолиятини бошлаши учун керак бўлган маблағ манбаини ҳам аниқлаши мумкин.

Ишлаб чиқариш хизмати эса мавжуд техника билан истеъмолчиларни талабномалари асосида иш ҳажмини бажаришлари керак. Шунингдек, техника воситаларини доимо ишга шай бўлиб туриши ва талаб қилинган иш миқдорини қисқа муддатда бажариб бериши зарур, бу ниҳоятда муҳим масала, агротехник тадбир ўз вақтида сифатли қилиб бажарилиши истеъмолчилар орасида ишончнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида кафолатланган иш билан таъминланиш омили бўлади. Муқобил

МТПларни ташкилий бошқариш тузилмасининг намунавий схемаси куйидагича:



Муқобил МТПларнинг ташкилий тузилмаси

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, қишлоқда техника воситаларидан самарали фойдаланиш ва агротехсервис хизмати тизимида рақобат муҳитини вужудга келтириш мақсадида техник сервис хизмат кўрсатувчи нодавлат мулк шаклидаги муқобил МТПларни тузиш объектив заруратга айланди.

Муқобил МТПларнинг ҳуқуқий асослари деганда, агросервис тизимидаги бу янги хўжалик субъектини ташкил этишда ва фаолият турини белгилаб, беришда мавжуд қонунлар ҳукумат қарорлари ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларни тушуниш лозим.

Агросаноат мажмуидаги муносабатларга мос ҳол, бу аксарият қишлоқ хўжалик корхоналарини кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга ошира олмаслиги шунинг учун техник марказлар истеъмолчилар билан ҳисоб-китобда асосан компенсациявий ва оператив лизинг шаклларида фойдаланиши кўзда тутилади. Техника ижараси ва меҳанизация ишларини бажариш тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилади. Шундай қилиб техник марказлар у ёки бу турларини бажариш

учун машиналар мажмуини етказиб беради. Уларни нефт маҳсулотлари билан ўз ҳисобидан таъминлайди. Техник сервис хизмати кўрсатади.

Техник марказининг техника етказиб берувчилар билан муносабатларини икки усулда, яъни шартномавий ва кооператив усулда ташкил этиш мумкин.

Биринчи усулда, техника ва ускуналар етказиб берувчилар билан лизинг келишуви ёки биргаликда фаолият юритиш ҳақида шартнома тузилади.

Иккинчисида эса, техник марказ иккиламчи бўйсунувчи жамият бўлиб қолади. Унинг фаолияти акциядорлик жамияти томонидан тайинланган ижрочи директор ва директорлар кенгашига сайланган вакиллар томонидан кучли назорат остида бўлади. Бундай ҳолда техника ва бошқа моддий ресурслар техник марказларига вақтинча сақлаб туриш учун берилган бўлиб ҳисобланади.

Иккала усулда ҳам техник марказлар техника ишлаб чиқарувчиларига бевосита боғлиқ бўлиб, мустақил фаолият кўрсатиш имконига эга эмас, натижада бу истеъмолчилар билан бўладиган муносабатларда хизмат баҳоларининг қатъий ўрнатилишига сабаб бўлади.

Бир қатор ҳолларда техник марказлар билан бирга диллерлик марказларининг ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир, булар техника ишлаб чиқарувчилар томонидан иш ва хизмат турларини айнан диллерлик марказлари зиммасига юклатилади. Чунки техник марказлардан фарқи ўлароқ фақат техника ва ресурслар етказиб берувчи билан эмас, балки бир вақтнинг ўзида бир неча турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда иш олиб боришлари мумкин. Диллерлик марказларини ташкил этилишини ва ривожланиши сервис хизмати хажмини кўпайтириш, техника ва эҳтиёт қисмлар таъминотини яхшилашда муҳим ўрин тутиши керак.

Муқобил МТПларнинг яна бир шакли, бу ҳусусий тартибда ташкил этилган МТПлардир. Бу фермерларнинг техникадан фойдаланишнинг бу усули амалда қўлланилиб ижобий натижалар берилиши кутилмоқда.

Юқорида кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда техник сервис тизимида рақобат муҳитини вужудга келтирувчи, уни ташкил этувчи ва фаолият кўрсатишда кам капитал маблағлар талаб қилувчи қолаверса, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида юзага келган шароитга мос келувчи ва қишлоқ хўжалигида техникалардан фойдаланишнинг асосий мақсади маҳсулот етиштириш таннаرخини камайтиришнинг, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш билан узвий боғланган механизмни яратишга имкон берувчи энг мақбул йўллардан биридир.

2.2. Машина- трактор паркларидан фойдаланиш муаммолари

Бугунги кунда мамлакатимиз кишлок хужалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг амалий самараси куп жихатдан агросервис тизимидан фойдаланиш билан боғлиқдир.

Фермер хўжаликларида кўп меҳнат қиладиган жараёнларни механизациялаштирмай туриб юкори самарадорликка эришиб бўлмайди. Республикамиз кишлок хужалигини замонавий, юкори самарали кишлок хужалик техникаси билан таъминлаш мақсадида 1998-2009 йилларда бу соҳани моддий техника базасини янада тулдириш ва янгилаш буйича аниқ дастур ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Дастурда курсатилган тадбирларни сузсиз бажариш лозим. Янгидан ташкил этилаётган МТПларни замонавий техника воситалари – трактор, комбайнлар, агрегатлар, тиркамалар, хашаротларга қарши кураш воситалари, сеялкалар, культиваторлар, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш зарур. Бугунги кунда мамлакатимизда фермерларга хизмат курсатувчи 913 та муқобил МТПлари ташкил этилган. 2009 йилда уларни сонини яна 402 тага қупайтириш чора тадбирлари қурилаяпти. Бизга маълумки, бу МТПлари кишлок хужалик қорхоналарига агротехник хизмат курсатишни яхшилаш, кишлок хужалиги техникасидан фойдаланиш самарасини ва унумдорлигини максимал даражада ошириш мақсадида ташкил этилган.

Бугунги кунда бу паркларда хайдов тракторлари, дон ва шоли уриш комбайнлари, шунингдек турли техника воситалари жамланган. Лекин ҳозирга бу парклар кишлок хужалиги ишлаб чиқаришда самарадорликни оширишга сезиларли таъсир курсатадиган қудратли қучга айланганича йук. Шунинг учун ҳам машина трактор парклари тизимларининг фаолиятини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Шуни ҳам алоҳида эътироф этиш жоизки кишлок хужалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннарни харажатлари таркибида ёқилги ва МТПлар хизматлари харажатлари салмоқли уринни эгаллаганлигидан келиб чиқиб, МТПларидагидан муқобил фойдаланишни такозо этади. Демак, МТПларни

замонавий ва юксак унумли техникалар билан таъминласак, фермер хужалигида самарадорлик ута юкори булади.

Деярли барча МДХ давлатларида кишлок хужалик машиналари парки эскирган. Хизмат курсатиш муддатлари белгиланганидан 2-3 марта утиб кетган. Бу асосан 70-80% техникага тегишли. Янгилари ҳам бор, бироқ жуда оз. Шунингдек кейинги 10 йилликларда кишлок хужалик техникалари сони икки баробар камайди.

Президентимиз ўз маърузаларида таъкидлаб ўтканларидек, республикамиз кишлок хужалигида техникадан фойдаланиш даражаси ҳамон пастлигича қолиб келмоқда.

Тугри мавжуд техниканинг аксарият қисми эскирган, аллақачон фойдаланиш муддатини утаб булган, янги техника харид қилиш эса жуда қимматга тушаяпти, эҳтиёт қисмлар етишмайди, борларининг сифати ҳам ута паст, шу билан бирга ёқилги ва мойлаш материалларини нархи ошган сари ошиб бораёпти. Бунинг устига етишмайди, сифати ёмон, двигателларни тез ишдаш чиқараяпти. Агарда санайверсак техниканинг қул-оёғини қишанлаб ташлаётган бундай муаммолар исталганча топилади.

Лекин ҳолисона баҳо берадиган булсак, ишлаб турган мавжуд техникадан ҳам унумли фойдаланилаётганлиги йук. Бунинг сабабини изохлаш учун сизларни фикрларингизни қуйидаги келтирилганларга қаратмоқчиман, яъни ҳар бир дехқончилик ва қорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хужаликлари ўзлари учун ҳар йили келажак технологик картани ишлаб чиқиши ва юкори ташкилотлар тасдигидан утқиши керак. Бу технологик картада бажариладиган ишларнинг турлари ва ҳажмлари, машиналар тури ва маркаси, (агрегатлар тарқиб), сони, иш қунлари, ёқилги сарфи, олинадиган ва ҳисобдан чиқариладиган техникалар маркаси, сони, ҳодимлар иш ҳақи, меҳнат сарфи, йиллик фойдаланиш ҳаражатлари келтирилиши керак. Бу тузилган технологик карта иқтисодий қурсатқичлари хужаликнинг охириги йилги қурсатқичлари билан қиёсланиши ва маъқуллиги қурсатилиши керак.

Келтирилган ва бошка шу сингари юмушлар ипидан-игнасигача акс этган технологик карталар тузишга бугунги кунда мутлако эътибор берилмай куйилди. Бусиз эса кишлок хужалигида МТПларидан фойдаланиш масаласи хакида гап хам булиши мумкин эмас.

Колаверса технологик карталарда хар кайси кишлок хужалик ишини бажаришни календар муддати ва давомийлиги хам курсатилади. Муддатларнинг чузилиши эса хосилдорликни камайишига, иш давомийлигини хаддан ташкари кискариши машинага булган талабнинг ортишига, махсулот бирлигига кетадиган харажатларнинг ортишига олиб келиши мумкин. Демак айтиш мумкинки ишларни механизациялаштириш ва унинг натижасида кишлок хужалик махсулотларининг таннархини камайитириш МТПлардан фойдаланиш даражасига боглик.

Маълумки турли хилдаги кишлок хужалик ишларини бир маркадаги тракторлар билан бажариш бахоси хар хилдир. Шу билан бирга бир хил ва бир турдаги ишларни турли маркадаги тракторлар билан бажариш харажатлари хам турличадир. Шунинг учун кишлок хужалик машиналари ва тракторларининг ишларининг турлари буйича таксимлашда куплаб мумкин булган танлаш имкониятлари юзага келади. Бундай куп вариантли масалаларни хал этиш учун замонавий усуллардан фойдаланиб фермер хужаликларига хизмат курсатувчи МТПларини муқобил таркибини, яъни унда бир канча трактор ва машиналар мавжуд булган шароитда янги зарур техникалар билан тулдириш хамда эски яроксиз холга келиб колганларини хисобдан чикариш йули режалаштирилган кишлок хужалик ишларини белгиланган агротехник муддатларда минимал ишлаб чикариш харажатлари сарфи хисобига бажариш мумкин бўлади.

Бунинг учун албатта янги техника олиш учун лизинг хизматида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2.3. Машина-трактор паркларининг ҳозирга ҳолати ва унинг фаолиятига тавсифнома.

Паркент туманидаги “Тулбоғ” маъсулияти чекланган жамиятга қарашли машина-трактор парки Парент шаҳри яқинида жойлашган.

Бу машина-трактор парки Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”ги қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсисчиларнинг 2005 йил 7 январдаги таъсис мажлисининг 1-сонли қарорларига асосан ташкил этилган. Паркент туманидаги муқобил машина-трактор паркининг асосий иш фаолияти механизация ишларини, яъни ер ҳайдаш, экин экиш, ҳосил йиғиш, озуқа тайёрлаш, ўғит солиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва шу йўналишдаги ортиш-тушириш ишларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фермер ва деҳқон хўжаликларига шартнома асосида бажаради. Булардан ташқари техникани ижарага беради, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга транспорт хизматини кўрсатади, қишлоқ хўжалик техникалари ва чорвачилик фермаларидаги жиҳозларга техник хизмат кўрсатади.

Машина-трактор паркини тузиш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун 500239 минг сўм миқдорда устав фонди ташкил этилган. Ҳозирги кунда машина-трактор парки ўзига тегишли бўлган мол-мулклардан мустақил равишда фойдаланиб келмоқда.

Машина-трактор паркининг мол-мулкни шакллантириш манбалари бўлиб таъсисчиларнинг улушлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий улушлари ва ажратмалари, кўрсатилган хизматлардан олинadиган даромадлар, қонун ҳужжатлари билан рухсат этилган ижара ва бошқа тўловлар, беғараз ва хайрия бадаллари, амалдаги қонун ҳужжатларида ман қилинмаган бошқа манбалар ва усуллар билан шакллантириш ҳисобланади.

Машина-трактор паркининг тижорат, хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолиятидан олинadиган даромаддан солиқ ва бошқа тўловлар тўланганидан сўнг қоладиган қисми бутунлай машина-трактор парки тасарруфида бўлади ва уни мустақил равишда тасарруф этади. Барча мажбурий тўловлар ва солиқлар тўланганидан сўнг машина-трактор парки ихтиёрида қоладиган маблағлар машина-трактор паркининг мол-мулки ҳисобидан қопланади.

Машина-трактор парки фаолияти натижасида вужудга келган соф фойда таъсисчиларнинг умумий йиғилиши фаолиятига мувофиқ, машина-трактор паркини ривожлантириш фондига ажратилади, қолган қисми эса таъсисчиларнинг Устав фондига қўшган улушига мутаносиб равишда бўлинади.


Ҳозирги кунда Паркент туманидаги машина-трактор паркида 36 та трактор мавжуд бўлиб, булардан 8 таси Дт-75 маркали Олтой трактор, 7 таси Т-28х4М маркали трактор, 8 таси МТЗ-80 маркали трактор, қолганлари эса бошқа турдаги мини тракторлар ҳисобланади.

Бизга маълумки, асосий воситалар корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишида муҳим аҳамият касб этади. Корхоналар асосий воситалар билан яхши таъминланса, ишчиларнинг маданий турмуш даражаси юқори бўлади ва бу албатта ишлаб чиқаришнинг жадаллашишига ёрдам беради. Асосий воситалар таркибини яхшилаш улардан самарали фойдаланишга ва меҳнат унумдорлигини ошишига олиб келади.

Қуйидаги жадвалда машина-трактор паркида асосий воситаларни ҳажми ва таркибининг таҳлили келтирилган.

Асосий воситаларнинг ҳажми ва таркиби ўзгаришининг таҳлили.


Асосий воситалар турлари	2008 йил	2009 йил	2009 йилни 2008 йилга нисбатан ўзгариши
	Минг сўм	Минг сўм	
Бинолар	121525	121525	100
Машина ва ускуналар	306507	301973	98,5
Компьютер жиҳозлари	10000	11263	112,6
Транспорт воситалари	28493	56330	116,1
Кўп йиллик ўсимлик-лар	2400	2431	101,2
Бошқа асосий восита-лар	6409	5669	88,4
Жами асосий восита-лар	495334	499191	100,8



Жадвал маълумотларидан кўринадикки, корхонада мавжуд бўлган жами асосий воситалар қиймати 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 3857 минг сўмга ёки 0,8 фоизга ошган. Машина ва ускуналар қиймати 2008 йилда жами асосий воситаларнинг 64,6 фоизни, 2009 йилда эса 62,4 фоизни ташкил этган. Уларнинг қиймати 4802 минг сўмга ёки 1,5 фоизга пасайган. Бинолар қиймати ўзгармаган, салмоғи эса 25,3 фоиздан 25,0 фоизга тушиб қолган. Бошқа турдаги асосий воситалар қийматлари эса 1,2 фоиздан 16,1 фоизгача ошган.

Қуйидаги жадвалда “Гулбоғ” М.Ч.Ж муқобил машина-трактор паркида тракторлар сони ўзгариши таҳлили берилган.

Тракторлар маркаси	Тракторлар сони		Эталон Трактор- ларга айлан- тириш коэффи- циенти	Шартли эталон тракторлар сони		Фарқи	
	2008 йил	2009 йил		2008 йил	2009 йил	Натура бўйича	Шартли эталон Трактор- лар сони
ДТ-75	7	8	1,0	11	12	1	1
Т-28х4М	9	7	0,5	5	4	-2	-2
МТЗ-80	10	10	1,0	10	10	-	-
Т-40А	6	6	1,45	8,7	8,7	-	-
Т-40А	3	4	0,5	1,5	2,0	1	0,5
Т-54В	1	3	0,7	0,7	2,1	2	1,4
Жами				36,9	37,8		0,9




Жадвал маълумотларидан кўринадики Паркент муқобил машина-трактор паркида 2009 йилда 2008 йилларга нисбатан тракторлар сони бироз ўзгарган. ДТ-75 маркадаги тракторлар 1 донага ва Т-54В тракторлар эса 3 донага кўпайган. Т-28х4М тракторлар эса 2 тага камайган. МТЗ-80, Т-4А тракторлар сони ўзгармаган. Муқобил машина-трактор паркида шартли эталон тракторлар сони 2008 йилда 36,9 га, 2009 йилда 37,8 га тенг бўлган, яъни 0,9 га кўпайган.

Бозор иқтисоддиёти шароитида корхоналарда маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришда асосий ўринни жонли меҳнат омили, яъни инсон омили муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар қандай фан-техника тарқиётининг ривожланган босқичида ҳам инсон омилининг бўлиши талаб этилади. Бундай шароитда корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражасини ўрганиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Қуйидаги жадвалда “Гулбоғ” М.Ч.Ж муқобил машина-трактор паркида ходимлар сони ўзгаришининг таҳлили келтирилган.

кўрсаткичлар	2008 йил киши ҳисобига	2009 йил киши ҳисобига	2009 йил 2008 йилга нисбатан ўзгариши, киши	
			киши	фоиз
М.Т.П да банд бўлган ишловчилар	130	100	-30	76,9
Шундан: доимий ишловчилар	130	100	-30	76,9
Хизматчилар	17	17	-	100
Шундан: раҳбарлар	5	5	-	100
мутахассислар	12	12	-	100



Жадвал маълумотларидан кўринадики, машина-трактор паркида 2009 йилда 2008 йилга нисбатан ходимлар сони 30 кишига камайган. Банд бўлган ишловчилар 2008 йилда 130 киши бўлган бўлса, 2009 йилга келиб 100 кишини ташкил этган. Бу ўзгариш доимий ишловчиларнинг камайиши ҳисобига содир бўлган. Хизматчилар сони эса ўзгармаган.

“Гулбоғ” М.Ч.Ж машина –трактор парки қуйидаги жадвалда корхонанинг бухгалтерия баланси актив моддаларининг таҳлили келтирилган.

Мол-мулк таркиби	2008 йил		2009 йил		Ўзгариши(+,-)		
	Минг сўм	Салмоғи фоиз	Минг сўм	Салмоғи фоиз	Минг сўм	Салмоғи фоиз	Йил бошига нисбатан ўсиш суръати фоиз
Узоқ муддатли активлар	421680	79,4	478363	82,7	56183	3,3	113,4
Жорий активлар	109030	20,6	100532	17,3	-8478	-3,2	92,2
Шу жумладан:	20816	3,9	15468	2,6	-5348	-1,3	74,3
а) товар-моддий захиралар							
б) пул маблағлари ва қисқа муддатли қўйилмалар	753	0,1	61	0,01	-692	-0,09	8,1
в) Дебиторлар	87461	16,5	85003	14,6	-2458	-1,9	97,2
Баланс активининг қиймати Жами	530710	100	578895	100	48185		109,0


Жадвал маълумотларидан кўринадики “Гулбоғ” машина-трактор паркида 2008 йилда жами активлар суммаси 48185 минг сўм ёки 109 фоизга кўпайган. Активларнинг кўпайишини ижобий баҳолаган ҳолда маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, активларнинг кўпайиши асосан жорий активларнинг 8498 сўмга камайиши ҳисобига бўлган. Корхоннанинг

узоқ муддатли активлари ҳам 56683 минг сўмга ортганлигини ижобий баҳолаш лозим. Жорий активларнинг таркибини ўрганадиган бўлсак, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан товар моддий захиралар 74,3 фоизга камайган, яъни бу 5348 минг сўмни ташкил этган.

“Гулбоғ” машина-трактор паркининг дебиторлик қарзлари ҳам 2008 йилга келиб, 97,2 фоизга яъни 2458 минг сўмга камайган. Пул маблағлари ваа қисқа муддатли қўйилмалар эса 8,1 фоизга яъни 692 минг сўмга камайган. “Гулбоғ” машина-трактор парки корхонасининг активлари таркибида асосий салмоқни товар моддий захиралар ташкил этади. Бу шундан далолат берадики, корхонада меъёрдан кам товар моддий захираси қўрилган ҳамда унинг натижасида корхона жорий активларининг айланиши секинлашишини кўриш мумкин.

Қуйидаги жадвалда “Гулбоғ” машина-трактор паркининг бухгалтерия баланси пассив моддаларининг таҳлили берилган.

Мол-мулк таркиби	2008 йил		2009 йил		Ўзгариши(+,-)		
	Минг сўм	Салмоғи фоиз	Минг сўм	Салмоғи фоиз	Минг сўм	Салмоғи фоиз	Йил бошига нисбатан ўсиш суръати фоиз
Ўз маблағлари	348301	65,6	478423	82,6	130122	17,0	137,3
мажбуриятлар	182409	34,4	100472	17,4	-81937	-17,5	55,0
Шу жумладан: узоқ муддатли	47690	8,9	45460	7,8	-2230	-1,1	95,3
қисқа муддатли	134719	25,4	55012	9,5	-79707	-15,9	40,8
Баланс пассивининг жами қиймати	530710	100	578895	100	48185		109,0




Жадвал маълумотларидан кўринадики, “Тулбоғ” машина-трактор паркида 2008 йилга нисбатан 2009 йилда жами пассивлар суммаси 48185 минг сўмни ташкил қилган ёки 109,0 фоизга кўпайган. Корхонада мол-мулкни ташкил этувчи манбаларнинг бундай тартибда кўпайишини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу манбалар қайси манбалар ҳисобига кўпайганлигига алоҳида аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. “Тулбоғ” машина-трактор паркининг маълумотларидан кўринадики, корхонада 2009 йилда ёз маблағлари манбалари 2008 йилга нисбатан 130 122 минг сўмга ёки 137,3 фоизга ошган. Маълумотлардан кўринадики, “Тулбоғ” машина-трактор паркида 2009 йилда мажбуриятлар суммаси 2008 йилга нисбатан 81937 минг сўмга ёки 55,0 фоизга пасайган. Бу эса мажбуриятларнинг умумий пассивларида тутган салмоғини 17,5 фоизга камайтирган. Бундан кўринадики, корхонанинг тўлов ликвидлиги анча кўтарилган. Баланс пассивидаги моддаларга эътибор берадиган бўлсак, асосий салмоқни, яъни 82,6 фоизни ёз маблағлари манбалари ташкил этади. Бу

кишлоқ хўжалик корхонасининг мустаҳкам молиявий барқарор эканлигидан далолат беради.

Қуйидаги жадвалда “Гулбоғ” МТП да молиявий натижалар динамикасининг таҳлили келтирилган.

Кўрсаткичлар	2008 й	2009й	Ўзгариши (+,-)
Маҳсулот (иш,хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	25625	28255	2630
Товар харажатлари	16500	17803	1303
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	2300	1963	-337
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижалари	11425	12415	990
Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси Фавқулотда фойда ва зарар.	11425	2415	990
Даромад солиғи ва бошқа солиқлар тўлангунча қадар фойда (зарар)	11225	12415	990
Даромаддан солиқ ва бошқа солиқлар	2450	2526	76
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	8975	9809	834



Жадвал маълумотларидан кўринадикки, “Гулбоғ” М.Ч.Ж. машина-трактор паркида 2009 йилда 2008 йилга нисбатан соф фойда 834 минг сўмга кўпайган. Соф фойданинг кўриниши асосан маҳсулот ва иш-хизматларни сотишнинг ялпи фойдасини 2630 минг сўмга кўпайиши ҳисобига содир бўлган. Шу билан бирга давр харажатлари ҳам 1303 минг сўмга ҳамда солиқлар ҳам 76 минг сўмга кўпайган. Бу ўзгаришлар натижасида соф фойда 2008 йилдаги 8975 минг сўмдан 2009 йилга келиб, 9809 минг сўмга кўтарилган, яъни 9,3 фоизга кўпайган.

III. Машина-трактор паркида бажарилган ишлар ва хизматларнинг самарадорлиги таҳлили.

3.1. Машина-трактор паркида харажатлар динамикасининг таҳлили.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатилган табиий ресурслар, хом-ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий воситалар, меҳнат ресурслари ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг қиймати кўринишини ифода этади.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услуби ва технологияси билан белгиланган маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлар келтирилади. Буларга бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш йўналишидаги устама харажатлар ҳамда бошқа бевосита ва билвосита моддий харажатлар киради.

Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари таркибига ташқаридан сотиб олинadиган ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибига кириб, унинг асосини ташкил этадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (иш бажаришда, хизмат кўрсатишда) зарур компонент ҳисобланадиган хом-ашё ва материаллар, маҳсулот ўраш ҳамда бошқа ишлаб чиқариш заруриятлари учун сотиб олинган материаллар, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, мосламалар ва бошқа меҳнат буюмлари, технологик мақсадлар, биноларни иситиш, барча турдаги энергияни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган, четдан сотиб олинadиган ёқилғининг ҳамма турлари, корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш, шунингдек хўжалик заруриятларга сарфланадиган, сотиб олинadиган барча турдаги энергия, табиий камайишнинг меъёр чегарасидаги моддий ресурслар камаяди ва бузилишларидан йўқотишлар киради.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига корхонада қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакл ва тизимлари мувофиқ ишбай ҳақлари, тариф ставкалари ва мансаб окладлари асосида ҳақиқий бажарилган ишлар учун ишлаб чиқаришдаги ҳисобланган иш ҳақи натура шаклида ҳақ тўлаш тартиби бўйича бериладиган маҳсулотлар қиймати, амалдаги

тартибларга кўра рағбатлантирувчи тўловлар, жумладан ишлаб чиқариш натижалари учун мукофотлар, тариф ставкалари ва окладларга касб маҳорати учун қўшимча устама тўловлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ кўп йиллик хизматлари учун ишлаб чиқариш ходимларига бериладиган тақдирланишлар, иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ тоvon тўловлари, жумладан, тунги иш вақти, иш вақтидан сўнг иш учун тўловлар киради.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил этишнинг услубий ва меъёрий шакли Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган “Маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннари, маҳсулотлар, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан белгиланади. Машина-трактор паркларида харажатларни ривожлантириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида унинг йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича;
2. Харажатларнинг калькуляцион моддалари бўйича;

Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементлари ва моддалари бўйича туркумланиши.

Иқтисодий элементлари бўйича	Калькуляцион моддалари бўйича
Ишлаб чиқариш харажатларидаги бевосита ва билвосита моддий харажатлар	Хом-ашё. Электр қуввати . Эҳтиёт қисмлар
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари	Асосий иш ҳақлари, Қўшимча иш ҳақлари, Иш ҳақиға устамалар
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси эскириш харажатлари	Асосий воситаларнинг эскириши, номоддий активларнинг эскириши, асосий воситаларнинг ижара ҳақлари
Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар	Турли ишлар ва хизматлар, солиқлар, йиғимлар ва ҳаказо.

Харажатларнинг элементи бўйича гуруҳларга ажратишдан мақсад уларнинг структураси ва динамикасини назорат қилишдан иборат.

Кўрсаткичларни таққослаш орқали жонли меҳнат билан бошқа харажат турларининг нисбати, ишлаб чиқариш захираларини нормаллаштириш ва таҳлил этиш, оборот маблағларининг тезлигини аниқлаш ва миллий даромадни ҳисоблаш имконияти туғилади.

Харажатларнинг элементлари бўйича таҳлил натижаларига мувофик материал сифими, меҳнат сифими ва фонд сифими даражалари бўйича таннархни пасайтириш имкониятларини аниқлаш мумкин. Таҳлил этишда жами харажатдаги ҳар бир элементнинг тутган салмоғи аниқланиб, ўтган йилдаги ҳамда сметадаги кўрсаткичлар билан таққосланиб, уларнинг ўзгариш сабаблари аниқланади.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибини иқтисодий элементлар ва моддалар бўйича қуйидаги таркибда бериш мумкин. Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлар ва калькуляцион моддалари бўйича ўрганиш қуйидагича фарқланади, яъни бўлимлар ва корхона бўйича жами харажатлар фақат иқтисодий элементлари бўйича ўрганилади, маҳсулотлар тури ва туркуми бўйича эса ишлаб чиқариш харажатлари калькуляция моддалари асосида кўриб чиқилади. Таҳлил этишда ишлаб чиқариш харажатларининг жами таркиби бўйича ўзгаришлари мутлақ ва нисбий жиҳатдан ўрганилади. Нисбий жиҳатдан ўрганишда ҳар бир туркум харажат моддаси ёки элементининг жами ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги салмоғига баҳо берилади.

Қуйидаги жадвалда Паркент туманидаги “Гулбоғ” маъсуляти чекланган жамият машина-трактор паркида харажатлар динамикаси ва таркибининг таҳлили келтирилган.

Харажатлар турлари	2008 йил		2009 йил		ўзгариши	
	Минг сўмда	Фоиз ҳисобида	Минг сўмда	Фоиз ҳисобида	Минг сўмда	Фоиз ҳисобида
1. Меҳнатга ҳақ	46325	34,2	58115	34,6	11790	125,4

тўлаш						
2. Амортизация ажратмалари	34676	25,6	40815	24,3	6139	117,7
3. Моддий харажатлар	25485	18,8	35440	21,1	9975	1392
4. Ишлаб чиқаришни ташқил этиш харажатлари	5824	4,3	7558	4,5	1734	129,8
5. Бошқа харажатлар	23162	17,1	26034	15,5	2872	112,4
Жами ишлаб чиқариш харажатлари	135452	100	167962	100	32510	124,0

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, жами харжатда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий суғурта ажратмалари улуши юқоридир. Уларнинг улуши 2008 йилда 34,2 фоиздан 2009 йилга келиб 34,6 фоизга етган. Моддий харажатлар салмоғи 18,8 фоиздан 21,1 фоизга ва ишлаб чиқаришни ташқил этиш харажатлари салмоғи эса 4,3 фоиздан 4,5 фоизга ўсган. Амортизация ажратмалари салмоғи 25,6 фоиздан 24,3 фоизга ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари салмоғи эса 17,1 фоиздан 15,5 фоизга пасайган. 2009 йилда 2008 йилга нисбатан меҳнат ҳақи ҳамда ижтимоий суғурта ажратмалари харажатлари 11790 минг сўм ёки 25,4 фоизга, амортизация ажратмалари 6139 минг сўм ёки 17,7 фоизга, ишлаб чиқаришни ташқил этиш харажатлари 1734 минг сўм ёки 129,8 фоизга, моддий харажатлар 9975 минг сўм ёки 39,2 фоизга ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари эса 2872 минг сўм ёки 112,400 фоизга кўпайган. Буларнинг натижасида жами ишлаб чиқариш харажатлари 2008 йилда 135452 минг сўмдан 2009 йилга келиб 167962 минг сўмга етган, яъни 32510 минг сўм ёки 24 фоизга кўпайган.

3.2 . Машина-трактор паркида бажарилган иш ва хизматлар самарадорлиги таҳлили

Машина-трактор парки ишининг самарадорлиги ишлаб чиқариш омиллари аниқлайди. Техникаларнинг техник ҳолати ва иш вақтидан фойдаланиш, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарининг таркиби ҳамда хўжаликни механизатор кадрлар билан етарли таъминлаш асосий омиллардир. Трактор паркидан фойдаланиш бир машина бир йилда ишлаган смена ва кунлар сони, смена коэффиценти, йиллик вақт фондидан фойдаланиш, сменали, кунлик ва йиллик иш вақти, тракторлар бажарган шартли эталон гектарнинг таннархи кўрсаткичлари ифодаланади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга эришишнинг бош йўли хўжаликни интенсив ривожлантиришдир.

Машина-трактор паркларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш , ишлаб чиқаришни механизациялаш даражасини ошириш, уларни иқтисодий жиҳатдан қулай ва самарадор бўлган қишлоқ хўжалик машиналари билан узлуксиз таъминлаш ва машина-трактор паркидан унумли фойдаланиш хўжаликни интенсив ривожлантиришнинг моддий асоси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланмоқда. Улардаги тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари миқдор жиҳатдан кўпайибгина қолмай, сифат жиҳатдан ҳам ўзгармоқда. Машина-трактор парки кучсиз, тезлиги кам, кўп ёқилғи талаб этиладиган тракторлар ўрнига иқтисодий жиҳатдан қулай, кучли ва тезюрар тракторлар билан таъминланмоқда.

Механизмлардан тўла ва унумли фойдаланиш маҳсулот етиштиришда, кўпайтиришда, таннархни пасайтириб, рентабелликни оширишда катта аҳамиятга эга. Буларга меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришиш мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш даражаси комплекс орта бориши натижасида ишчиларнинг меҳнат шароити

яхшиланади, меҳнат қилиши енгиллашади, маҳсулот бирлигига меҳнат сарфи камаяди. Оқибатда меҳнат унумдорлиги ошади.

Машина-трактор паркидан фойдаланиш трактор паркидан фойдаланиш коэффиценти, смена коэффиценти, механизациялашган ишлар таннархи каби кўрсаткичларда ўз ифодасини топади. Бу кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, уларни биргаликда таҳлил қилингандагина машина-трактор паркидан қай даражада фойдланилаётганлиги тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлиши мумкин.

Қуйидаги жадвалда Тошкент вилоятидаги Паркент тумани “Гулбоғ” М.Ч.Ж. нинг машина-трактор паркида тракторлардан фойдаланиш таҳлили келтирилган.

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2009 йилнинг 2008 йилга нисбатан ўзгариши фоз ҳисобида
Шартли тракторлар сони, дона	36,9	37,8	102,0
Битта тракторда бажариладиган иш (машина кунлар сони)	250	258	103,2
Машина-сменалар сони	281	286	101,8
Йиллик иш кунидан фойдаланиш коэффиценти	0,86	0,89	103,5
Сменалик коэффиценти	1,12	1,1	98,2
Бир тракторнинг бир кунлик иш соати	10,5	11,0	104,8
Тракторларда бажарилган барча иш ҳажми, га	37233	39508	106,1
Бир шартли тракторда бажариладиган иш ҳажми, га бир йилда	942,6	954,3	101,2

бир кунда	3,8	3,7	97,4
бир сменада	3,35	3,33	99,4
Жами харажатлар минг сўм	65452,6	93587	143,0
Бир шартли гектарнинг таннарни, минг сўм	1758	2369	134,7

Жадвал маълумотларидан кўринадикки Паркент туманидаги “Гулбоғ” М.Ч.Ж. машина-трактор паркида мавжуд шартли эталон тракторлар сони 2008 йилда 39,5 тадан, 2009 йилда 41,4 тага етган ёки 4 фоизга ошган. Шу билан бирга бир тракторнинг бир йиллик иш кунини 250 кундан 258 кунга ёки 3,2 фоизга, сменалар сони эса 281 дан 286 смена кунига ёки 1,8 фоизга кўпайтиришга эришилди. Бир тракторнинг бир йиллик иш кунларидан фойдаланиш коэффициенти 2008 йилда 0,86 ни, 2009 йилда эса 0,89 ни ташкил этган. Тракторларнинг иш кунидан фойдаланиш коэффициенти ошган бўлса ҳам, уларнинг сменалик коэффициенти 2008 йилда 1,12 дан 2009 йилга келиб 1,1 га тушиб қолган, яъни 1,8 фоиздан пасайган. Бир кунлик иш соати эса 10,5 соатдан 11,0 соатга етган ёки 4,8 фоизга кўпайган.

Машина-трактор паркларида тракторлардан самарали фойдаланиш, улар бажарган йиллик иш ҳажмини ошириш кунлик ва смена иш меъёрларининг бажарилишига боғлиқдир. Тракторларнинг кунлик иш меъёри фақат бажариладиган иш миқдори билан чегараланиб қолмасдан, балки қишлоқ хўжалик ишларини қисқа муддатда юқори сифатли қилиб бажариш имкониятини ҳам яратади. Машина-трактор паркларида юқори қувватли тракторлар билан таъминланганлиги натижасида уларнинг умумий иш ҳажми 2008 йилда 37233 шартли эталон гектардан 2009 йилда 39508 шартли эталон гектарга ёки 6,1 фоизга оширилди. Лекин бир шартли эталон тракторнинг бир кунлик иш ҳажми 3,8 эталон гектардан 3,7 эталон гектарга ёки 0,6 фоизга камайди. Ҳар бир трактор бир йилда бажарган иш ҳажми 942,6 гектардан 954,3 гектарга оширилган бўлсада, бир кунлик иш ҳажми 0,1 гектарга камайганда қўшимча 25,8 гектарга (258-0,1) иш бажарилиб, машина-трактор

парклар бўйича иш ҳажмини 1068 гектар (41,4-25,8) га ошириш мумкин бўлар эди. Бу мавжуд имкониятлар фақат бир кунлик иш ҳажмини ошириш ҳисобигадир. Бундан ташқари тракторларнинг бир сменадаги иш ҳажми сақланиб қолинганда 237 шартли эталон гектар ((3,35-3,33)-286-41,4) га оширишлари мумкин эди.

Шундай қилиб, барча мавжуд имкониятлар ишлаб чиқаришга жорий этилганда, машина-трактор паркларда иш ҳажмини 39508 гектардан 40813 гектарга (39508+1608+237) етказиб, бир эталон гектартаннархини 2009 йилда 2369 сўмдан 2293 сўмгача (93587 минг сўм: 40813 гектар) камайтириш имкониятлари мавжуд эканлигин аниқлаш мумкин. Бу эса ишларнинг қисқа муддатда бажарилишини таъминлаб, улар учун қилинаётган харажатларни камайтириб, маҳсулотлар таннархини арзонлаштиришни таъминлар эди.

Иш куни нормаси қанча юқори бўлса, иш шунча қисқа муддат ичида бажарилади, машина-трактор паркидан шунча унумли фойдаланилади.

Демак, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг кунлик иш нормасини ошириш йиллик бажариладиган ишларнинг миқдорини оширишга, бажариладиган ишларнинг кўпроқ қисмини механизациялашга, бажариладиган ишларни қисқа муддатда, агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда, юқори сифатли бажаришга. Оқибатда ҳар бир гектар ердан олинадиган ҳосилни ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришга олиб келади. Тракторнинг кунлик бажарган иш миқдори ортиши сменалар сони ва сменада бажарилган иш миқдorigа, яъни иш кунидан унумли фойдаланишга боғлиқдир. Машина-трактор парки иш ҳажмининг бажарилишига асосан иккита омил таъсир этади. Булар: ўртача йиллик тракторлар сони ҳамда бир тракторнинг йиллик иш ҳажмига.

Қуйидаги жадвалда тракторларда бажарилган иш ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили келтирилган.

Тракторларда бажариладиган иш ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили. Тракторлар маркаси	Шартли трактор сони		Бир шартли тракторда бажариладиган иш, га		Иш ҳажми, га			Ўзгариши, га		
	2008	2009	2008	2009	2008	2009	шартли	жами	Шу жумладан	
	йил	йил	йил	йил	йил	йил			Тракторлар сони ҳисобига	1 та трактор бажарган иш ҳажми ҳисобига
1	2	3	4	5	6қ2х4	7қ3х5	8қ3х4	9қ7- 6	10қ8-6	11қ7-8
ДТ-75	7	8	981	963	10791	11556	11772	765	981	-216
Т-28х4М	9	7	924,6	935,5	4623	3742	3698,4	-881	-924,6	43,6
МТЗ-80	10	10	906	898	9060	8980	9060	-80	0	-80
Бошқа маркадаги тракторлар	10,5	12,4	945,1	974	12759	15230	14554,5	2471	1795,5	675,5
Барча тракторлар бўйича	36,9	37,8	942,6	954,3	37233	39508	39084,9	2275	1851,9	423,1

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, машина-трактор паркида бажарилган иш ҳажми 2008 йилда 37233 шартли эталон гектар, 2009 йилда эса 39508 гектарни ташкил этган, яъни 2275 гектарга ёки 6,1 фоизга кўпайган. ДТ-75 маркали тракторларда бажарилган ишлар 2008 йилга нисбатан 2009 йилда 765 гектарга кўпайган. Тракторлар сонининг биттага кўпайиши бажарилган иш ҳажмини 981 гектарга кўпайишига ва бир шартли тракторда бажарилган иш ҳажмини 18 гектарга камайиши бу маркали тракторларда бажарилган ишни 216 гектарга камайишига сабаб бўлган. Т-28х4М маркали тракторнинг сонини иккитага, шартли сонини эса биттага камайиши бажарилган иш 924,6 гектарга камайишига, бир шартли тракторда бажарилган ишни 10,9 гектарга кўпайиши эса 43,6 гектарга кўпайишига олиб келган. Натижада Т-28х4М маркали тракторларда бажарилган иш ҳажми 2007 йилга нисбатан 881 гектарга (-924,6 га+43,6 га) пасайган.

МТЗ-80 маркали тракторлар сони ўзгармаган, лекин бир шартли тракторда бажарилган иш ҳажмини 8 гектарга камайиши ҳисобига жами бажарилган иш ҳажми 80 гектарга камайган.

Хулоса ва таклифлар

Бизга маълумки, мамлакатимизда туб иқтисодий ислохотларнинг олиб борилиши қишлоқ хўжалик корхоналарини тўла фермер хўжаликларига айлантирилишига, яъни мустақил фаолият кўрсатувчи кичик хўжалик субъектлари сонининг ортишига олиб келди. Бу эса техника хизматида бўлган талабни тўлароқ қондириш мақсадида техника воситаларидан фойдаланиш ва техник-сервис хизматини ташкил этишнинг энг мақбул йўллари топиш заруриятини туғдиради. Бундай йўللardan бири муқобил машина-трактор парклар тузишдан иборатдир. Ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан янгидан ташкил этилган муқобил машина-трактор парклари замонавий техника воситалари-трактор, комбайнлар, агрегатлар, тиркамалар, ҳашаротларга қарши кураш воситалари, сеялкалар, культиваторлар, эҳтиёт қисмлар ва автомобиллар билан таъминлаш зарур. Ҳозирда мамлакатимизда фермерларга хизмат кўрсатувчи 1300 та муқобил машина-трактор парклари ташкил этилган.

Бугунги кунда бу паркларда ҳайдов тракторлари, пахта териш машиналари, дон ва шоли ўриш комбайнлари, шунингдек турли техника воситалари жамланган. Лекин ҳозирда бу парклар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида самарадорликни оширишга сезиларли таъсир кўрсатадиган қудратли кучга айланганича йўқ. Шунинг учун ҳам муқобил машина-трактор парклари тизимларининг фаолиятини янада такомиллаштириш давр талабидир.

Юқоридагиларга қарамадан ҳозирги кунда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида турли хўжалик юритиш ва мулкчилик шаклидаги хўжаликларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, етиштирилган ҳосилни мақбул муддатларда санобд қилмасдан йиғиштириб олишда техник хизмат ва лизинг хизмати корхоналарининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. “Ўзағромашсервис” уюшмасининг туман машина-трактор парклари, “Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг” компаниясининг вилоятлардаги техник марказлари, Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси қошидаги таъминот ва техник

хизмат кўрсатиш маркази ва республиканинг иқтисодий бақувват хўжаликлари марказий таъмирлаш устахоналари негизида ташкил этилган муқобил машина-трактор парклар техник сервис ва лизинг хизматларининг намуналари ҳисобланади.

Таҳлил натижаларидан кўринадик. “Гулбоғ” маъсулияти чекланган жамият машина-трактор паркида бажарилган иш ҳажми 2008 йилда 37233 эталон гектарни, 2009 йилда эса 39508 гектарни ташкил этган, яъни иш ҳажми 2275 гектарга кўпайган. Бу ўзгариш шартли эталон тракторлар сонини 1,9 тага ҳамда битта тракторда бажарилган иш ҳажмини ўртача 11,7 эталон гектарга кўпайиши ҳисобига содир бўлган. Харажатларни 28135 минг сўмга ёки 43 фоизга кўпайиши ҳисобига бир шартли эталон гектарда бажарилган ишнинг таннарни 2007 йилдаги 1758 сўмдан 2008 йилга келиб 2369 сўмга етди, яъни 61,1 сўмга ёки 34,7 фоизга қимматлашди. “Гулбоғ” машина-трактор паркида соф фойда 2008 йилдаги 8975 минг сўмдан 2009 йилга келиб 9809 минг сўмга кўтарилган, яъни соф фойда 834 минг сўмга ёки 9,3 фоизга кўпайган.

Умуман машина-трактор паркида ишлаб чиқариш самарадолигини янада оширишимиз мумкин. Бунинг учун бизнинг фикримизча ҳориждан инвестициялар орқали лизинг асосида трактор, комбайнлар ва замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарини олиб келишни кучайтириш ҳисобига ходимлар малакасини ошириш йўли билан ишлаб чиқариш харажатларини белгилаш меъёрларига мувофиқ сарфлаш, яъни бекорчи харажатларга йўл қўймаслик, хўжаликда энергияни, пул, материаллар харажатларини тежайдиган технологияларни қўллаш, қишлоқ хўжалиги машиналаридан тўғри ва унумли фойдаланиб, ишларни қисқа муддатларда бажарилишини таъминлаш билан меҳнат унумдорлигини ошириш ва барча харажатларни камайтириб, маҳсулот таннарини арзонлаштиришга эришиш чора-тадбирларини амалга ошириш лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ху=у=ий ва меъёрий хужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси =онунлари

1.1.1. “Ўзбекистон Республикасининг ”Фермер хужалиги ты`рисидаги”
=онуни (янги таърири), Т., 2004

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3226 сонли
“+ишло= хужалигида ислохотларни чу=урлаштиришнинг энг мушм
йналишлари ты`рисида”ги фармони. Т., 2003 йил 24 март.

1.3. Бош=a меъёрий хужжатлар

1.3.1. +ишло= хужалигида ислохотларни чу=урлаштиришга доир =онун
ва меъёрий хужжатлар тыплами. Тошкент, 1999 йил, I-II-том

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

1.4.1. И.А.Каримов. +ишло= хужалиги тара==иёти-тыкин хаёт манбаи
Т.,Ўзбекистон, 1998

1.4.2. И.А.Каримов И=тисодиётни эркинлаштириш ресурслардан
тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йилимиз. Т.10, Тошкент,
«Ўзбекистон», 2002

1.4.3. И.А.Каримов Мавжуд имкониятлардан самарали фойда-ланиш –
юксалиш гарови, Т.9, Тошкент, «Ўзбекистон», 2001.

1.4.4. И.А.Каримов Ўзбекистон бозор муносабатларига ытиш-нинг
ызига хос йили. Т: Ўзбекистон. 1993.

1.4.5. И.А.Каримов Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт пировард
ма=садимиз. Т: Ўзбекистон, 2000.

1.4.6.И.А.Каримов «2009 йилда мамлакатни ижтимоий, и=ти-содий
ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда и=тисодий ислохотларни
чу=урлаштиришнинг энг мушм устивор йуналишлари» февраль 2010 йил,
«Хал= сызи» газетаси.

2. Китоб ва туркум нашрлари

2.1. Китоблар, монографиялар, дарсликлар, маълумотлар типлари

а) бир муаллифнинг

2.1.1. И.К.Рахмонов. «Ишловчи хўжалик корхоналари фаолияти-ни таъминлай қилиш», Тошкент, 2004

2.1.2. Н.Тухлиев Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти Т., 1998

2.1.3. Е.Ергешев «Иқтисодий молиявий таҳлил» Тошкент 2000

2.1.4. М.Пардаев Иқтисодий таҳлил назарияси, Зарафшон, 2001

2.1.5. Ё. Абдуллаев Статистика назарияси, Т., 2002

2.1.6. Сотиволдиев А.С. Замоновий бухгалтерия ҳисоби, Т., 2004

2.1.7. Дысмуратов Р. Бухгалтерия ҳисоби назарияси, Т., 2007

2.1.8. И.Махмудов ««Ишловчи хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш» Тошкент, 1991

2.1.9. Р.Шусанов «Ишловчи хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва аграр иқтисодиёт. Т., «Янги аср авлоди», 2004

2.1.10. Шусанов Р. ва бошқалар ««Ишловчи хўжалигида сервис хизмати, мушаккал машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари». Т., «Янги аср авлоди», 2001

2.1.11. Ю.Олховая Моделирование оптимального состава и использования машинно-тракторного парка на сельскохозяйственном предприятии, Методические пособия, МСХА, 2000

а) икки муаллифнинг

2.1.12 Т.Кудратов, С.Дещёнов ««Ишловчи хўжалик статистикаси» Тошкент, 2004

2.1.13 Р.Ражабов, Р. Дустмуродов ««Ишловчи хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби» Нукус, 1995

2.1.14 О.Бобожонов, К.Жуманиёзов Молиявий ҳисоб, Т., 2002

2.1.15. Р.Дысмуратов, И.Давлетов Бухгалтерия ҳисоби назари-ясида машиналар типлари, Т., 2008

2.1.16.Санаев Н, Абдусаломов Х Фермер хўжаликларида иш ва ҳисоб-китоб юритиш (ҳисоб амалии ҳисобланма), Т., 2001

2.1.16.М.И.Баканов, М.Қ.Пардаев. Иқтисодий таҳлил назарияси, Самарқанд,«Зарафшон», 2001

2.1.18. Фармонов Т. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари Т. Янги аср авлоди, 2004

а) уч муаллифнинг

2.1.19. И.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоҳов. Бухгалтерия ҳисоби, Тошкент, 2004

2.1.20. Ё. Абдуллаев, А. Иброҳимов, М. Раҳимов «Иқтисодий таҳлил» Тошкент, 2001

2.1.21.А.Ваҳобов, А.Иброҳимов, Н.Ишонкулов «Молиявий ва бошқарув таҳлили» Тошкент, 2005

2.1.22. Р.Дысмуратов, Б.Менглиҳов, И.Давлетов Молиявий ҳисоб (ҳисоб ҳисобланма), Тошкент, 2007

2.1.23.Ё.Абдуллаев, А.Ибраҳимов, М.Раҳимов. «Иқтисодий таҳлил; 100 савол ва жавоб». Т., «Мешнат», 2001.

2.1.24.Саматов Ҳ., Ёдгоров Ж.,Рустамова И. ҳисоб хўжалиги ишлаб чиқаришини таҳсил этиш. «Ўзбекистон миллий энцикло-педияси». ТошДАУ таҳририят-нашриёт бўлими. Т., 2005

а) муаллифлар жамоаси учун

2.1.25.Санаев ва б.Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари, Т.,2006

2.1.26.Олимжонов ва б Фермер хўжаликлари фаолиятининг ҳисоб-ҳисоб ва молиявий асослари2005

2.1.27.Ф.Маманов ва б.Фермерлик фаолиятининг ҳисоб-ҳисоб ва иқтисодий асослари2007

2.1.28.А.В.Ваҳобов ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси. ТМИ, 2003.

3. Журналлардаги маълумотларга шаводалар

3.1. Саидова Д. Особенности формирования доходов фермерских хозяйств. Сборник статей. М.,: МГУ, 2006

3.2. Т. Тургунов, Ф. Юсупова Математик моделлар ва агрои-тисо-дий башоратлаш муаммолари, Ўзбекистон Аграр Фани хабарномаси № 3 (21), Т., 2005

4. Статистик манбалар

4.1. Хыжаликнинг йиллик щисоботлари.

5. Умумий =ишло= хыжалигига доир сайтлар

5.1. www/agrobusiness.ru

5.2. [www.Фермерское](http://www.Фермерское_хозяйство.ru) хозяйство.ru

5.3. www.agro.ru